

ТАЪЛИМ СИФАТИ – ДАВЛАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Наргис Абдухалиловна АЛИМАТОВА

доцент

фалсафа фанлари номзоди

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: nargis2207@gmail.com

Гулбахор Саттаровна АБДУЛЛАХАНОВА

доцент

фалсафа фанлари номзоди

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

Умида Кудратовадан келди

Аннотация

Ушбу мақолада адабиётлардаги мавжуд “рақобат” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари таҳлил этилган. Рақобатбардошликка таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ўрганилган. Рақобатбардош таълим тизимининг белгилари келтирилган. Таълим сифати – давлат рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи омил эканлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

Таянч сўзлар: рақобат, рақобатбардошлик, омиллар, таълим тизими, олий таълим муассасаси рақобатбардошлиги.

КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР, ВЛИЯЮЩИЙ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ СТРАНЫ

Наргис Абдухалиловна АЛИМАТОВА

доцент

кандидат философских наук

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

nargis2207@gmail.com

Гулбахор Саттаровна АБДУЛЛАХАНОВА

доцент

кандидат философских наук

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются существующие в научной литературе понятия “конкуренция” и “конкурентоспособность”. Также изучены объективные и субъективные факторы влияющие на конкурентоспособность страны. Приведены признаки конкурентоспособной системы образования. Сделано заключение, что качество образования – фактор влияющий на повышение конкурентоспособности страны.

Ключевые слова: конкуренция, конкурентоспособность, факторы, система образования, конкурентоспособность вуза.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ривожланаётган давлатлар кўпроқ рақобат жараёнига кириб бормоқда. Мамлакатлар турли соҳалар: иқтисодиёт, таълим соҳалари, фан йўналишлари, спортда жаҳоннинг энг илғор давлатлари эришган ютуқлар сари интилмоқда. Янгиланиб бораётган Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, халқаро миқёсда ўз мавқеини кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги уқтирилди. Олий таълим тизимида рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича алоҳида факультет, кундузги ва сиртқи ўқиш шаклини очиш, янги фан жорий қилиш ва ушбу мақсадлар учун академик соатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди. “Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яқдил йўналишимиз бўлиши керак” [1].

Шу нуқтаи назардан рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар таҳлили муҳим аҳамият касб этади. “Рақобат” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари маъно-мазмунини аниқлашда анализ ва синтез, мавҳумлаштириш ва умумлаштириш, рақобатбардошликка таъсир этувчи омилларни тадқиқ этишда таққослашнинг илмий усулларидан фойдаландик.

Айтиш жоизки, “рақобат” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари замонавий иқтисодий адабиётда ўрганилган ва турлича қарашлар бўлса-да, улар бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради. Масалан, М.Портер фикрича, рақобат – янги товарлар, маркетингнинг янги йўллари, янги ишлаб чиқариш жараёнлари ва янги бозор сегментлари пайдо бўладиган динамик ва ривожланувчи жараён, узлуксиз ўзгарувчи ландшафт [5;24]. Кўп ҳолларда “рақобат” категориясига субъект томонидан ўз рақобат устунлигини самарали ишлатиш ёрдамида лидерлик позициясига эришиш, деб қаралади.

Абу Али ибн Сино ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларида жамиятда табиий нотенглик бўлишига сабаб – бу борлиқнинг ўз мавжудлигини сақлаб қолишга уринишидан, деб тушунтиради. Агар жамиятда ҳамма бой бўлганида эди, жамият рақобат ва ҳасадга асосланган конфликтлардан вайрон бўлган бўларди. Агар жамиятда ҳамма камбағал бўлганида эди, одамлар қашшоқлик натижасида қирилиб кетган бўларди. Ҳар ким жамиятдаги ўз мавқеидан қониқиши керак, чунки бой одам унинг давлати қандайдир тарзда ундаги унча юқори бўлмаган ақл ва маълумотлиликнинг ўрнини қоплашига амин бўлади; ўқимишли камбағал эса ўз мавқеини бадавлат жоҳилнинг мавқеи билан таққослаб, ўзиникини афзал кўради. Ўз ҳунаридан нон топадиган уста кенг ваколатларга эга бўлган ҳоқиму, на битмас-туганмас бойликка эга бўлган бадавлатга ҳасад кўзи билан қарамайди [6;73].

Р.А.Фатхутдинов фикрича, рақобат – бу табиий ҳолатда ёки қонунлар доирасида объектив ва субъектив эҳтиёжларни кондиритиш учун рақобатчилар билан курашда ғалабага эришиш ё бошқа мақсадларда субъект томонидан ўз рақобат устунлигини бошқариш жараёни [4,9]. Ўз навбатида, “рақобатбардошлик”ни мусобақада ғолиб бўлиш имконияти, мувозанат, сифат, бозор шароитида фаолиятнинг ишончлилиги ва самарадорлиги билан боғлайдилар. Р.А.Фатхутдинов “рақобатбардошлик” деганда “мавжуд бозордаги объектнинг ўзига ўхшаш объектлар билан таққослаганда аниқ

эҳтиёжни реал ва потенциал қондириш даражаси билан характерланадиган хусусияти”ни тушунади [7;23]. Майкл Портер эса рақобатбардошликни товар, хизмат ёки бозор муносабатлари субъектининг бозорда мавжуд бўлган товарлар, хизматлар ва бозор муносабатлари субъектлари билан тенг намоён бўла оладиган хусусияти, деб тавсифлайди.

Рақобатбардошликка таъсир этувчи омилларни дастлаб объектив ва субъектив омилларга бўлиб олсак. Объектив омиллар – бу маълум мамлакат ва маълум вақтда хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа бозор иштирокчиларининг иродасига боғлиқ бўлмаган факторлар. Уларга мамлакатдаги хомашё билан таъминланганликни белгиловчи табиий-географик ва иқлим шароитлари; иқтисоддаги маълум субъектларнинг иқтисодий ролини ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг таракқиёт шаклини белгиловчи иқтисодий тизимдаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари; ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва характери – ишлаб чиқаришни таъминловчи ашёвий, энергетик, шахсий ва бошқа омиллар киради. Ишлаб чиқариш (иқтисодий) муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривож, ўз навбатида, иқтисодий тизимга кирувчи субъектлар фаолияти боғлиқ бўлган жамият иқтисодий тизими ва мулк шаклини белгилайди. Бундан ташқари, объектив омилларга мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрни ва обрўси ҳамда бошқа омилларни ҳам киритиш мумкин.

Субъектив факторлар – бу бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги рақобат устунлигини белгиловчи, хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига ва бошқа бозор иштирокчиларига боғлиқ, тўғридан-тўғри ёки билвосита хўжалик юритувчи субъектларга ёки улар чиқараётган маҳсулотга таъсир этувчи омиллар бўлиб, уларга маҳсулот сифати, нархга боғлиқ рақобатбардошлик, маҳсулотни сотиш ва бозорда илгари суриш тизими, маҳсулотга ҳақ тўлаш шакли, фирманинг обрўси, ҳамда давлат томонидан олиб борилаётган савдо сиёсати киради [3;1].

Иқтисодий назарияда, бошқа ижтимоий фанлардаги каби, асосий диққат объектив, яъни инсон иродасига боғлиқ бўлмаган омилларни тадқиқ этишга эътибор кучаймоқда. Бу ҳодисани тадқиқотчиларнинг ижтимоий воқеликни ўрганишга табиий фанлардаги реалликни ўрганиш методларини тадбиқ этишга интилиш билан тушунтириш мумкин. Лекин табиатда барча нарса инсонлар онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берса ва улар бу қонунларга мослашиши лозим бўлса, ижтимоий ҳаётда қонуниятларнинг ўзи турли индивидларнинг мустақил хатти-ҳаракатлари натижасида пайдо бўлади. Жамиятда бозор соҳаси билан бирга социал соҳанинг мавжудлиги ва субъектив факторнинг иқтисодиётдаги ролига бағишланган тадқиқотлар замонавий иқтисодий назарияда А.Тверски, Д.Канеман, О.Уильямсон, Ф.Дензау, Д.Норт ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида хулқ-атвор иқтисодиёти, янги институционал иқтисодий назария каби йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди [3; 134].

Оқилона ва масъулиятли давлат ҳокимияти хўжалик соҳасини тартибга солишда ўзига маълум бўлган жамият ривожланишининг объектив, шу жумладан, макроиқтисодиётга тааллуқли бўлган, қонунларига асосланиши керак. Ўз навбатида, иқтисодий фанда нафақат бозор муносабатлари, балки социал соҳада рўй бераётган ўзгаришларни ҳам ўрганиш вазифаси вужудга келмоқда.

Бугун ишчи кучи бозори ва ундаги рақобат глобаллашди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, ўз давлати ҳудудида ишлаб туриб ҳам халқаро шароит ва талабларга мослаша оладиган мутахассислар тайёрлаш заруратини келтириб чиқармоқда. Мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашувининг даражаси кўп жиҳатдан бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишга боғлиқдир. Шунинг учун миллий рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омили ва асоси таълимдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатида айнан сифатли таълим масаласи кўтарилди. Унда “Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона йўлидир” [2], деб таъкидланган.

Одатда аҳолининг таълим олиши ва ишчи кучининг малакасини оширишга эътибор берилган давлатлар доимо тез ривожланган. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ўсиб бораётган юқори интеллектуализацияси кузатилаётган ҳозирги даврда инсоний, яъни номоддий капиталнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бундай капитал эса таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларига маблағ сарфлаш ҳисобига вужудга келади. XX аср бошида ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда моддий-ашёвий капитал (асосий фондлар) ўз қийматига кўра инсонга бўлган инвестицияларнинг умумий миқдоридан 2 баравардан ортиқ бўлган. Бугун эса сўнгги 30 йилдаги моддий капиталнинг кўп миқдорда ўсишига қарамай, юқорида зикр этилган элементларнинг мутаносиблиги моддий бўлмаган, яъни инсоний капитал фойдасига ўзгарган. У моддий капиталдан икки баравар кўп.

Ахборот оқими ўсиб, жамият ва унинг техник ва ижтимоий инфраструктураси динамик ўзгариб, мураккаблашиб бораётган даврда кадрларнинг маълумотлилик даражаси ва квалификацияси ўз самарадорлигига кўра рақобатнинг муқобили бўлмаган, анъанавий моддий ва энергетик ресурслардан аҳамияти кам бўлмаган инструментига айланди. Ахборот технологиялари ресурсларидан самарали фойдаланиш қобилияти жамият нормал ривожланишининг муҳим омилига, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг бутун мураккаб механизмини самарали бошқаришни таъминлашнинг воситасига айланди. Айтиш жоизки, бунда фақат тор иқтисодий эмас, балки кенг, ҳам техник, ҳам гуманитар маълумотлилик назарда тутилмоқда.

Аҳолининг маълумотлилик даражаси мамлакатдаги мавжуд таълим тизимига боғлиқ бўлганлиги боис қандай таълим тизimini рақобатбардош, деб топиш керак, деган савол туғилади. Гарвард университети бошқарув мактаби профессори Йозеф С.Нейнинг фикрича, таълим тизими қуйидаги вазифаларни бажариши керак: 1) инсонда олинган маълумотни билимга айлантириш қобилиятини шакллантириш; 2) инсонда муҳим ҳал қилувчи томонларни муҳим бўлмаган, иккиламчи томонлардан ажрата билиш қобилиятини ривожлантириш учун асосни ҳосил қилиш; 3) инсонда билимга чанқоқлик, ўрганилмаган, янги, ноодатий нарсаларга қизиқишни, ижодий фикрлаш ва ҳаракат қилиш маҳоратини вужудга келтириш. Бу эса бутун умр давомида ўқишга бўлган қизиқиш, янги билимларга интилишни сақлаб қолишга асос бўлади [4;117].

Билимларга бўлган қизиқишни, албатта, ўрта мактаб туғдириши лозим. Шунингдек, шу мактаб ўспиринга касбга йўналтиришда ҳам ёрдам бериши керак. Ўқув дастури доирасида ўқув ва тарбиявий жараёнларни рисоладагидек ташкил этиш орқали хорижий таълим тизимлари билан рақобатлашиш мумкин бўлади.

Олий таълим тизимимизда эса сўнгги йилларда жорий этилаётган кредит-модуль тизими келажакда битирувчиларни хорижий давлатлар олий ўқув юртларида ўқишини давом эттиришга имконият яратади. Турли алмашинув дастурларида иштирок этиш орқали ҳам талабаларимиз хорижий таълим тизимларининг афзалликлари, ютуқлари билан танишмоқда.

Олий таълим муассасаси рақобатбардошлиги деганда университетларнинг бозор рақобати шароитидаги маълум касбий билимлар, малака ва кўникмалар соҳасидаги таълим хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларини қондиришнинг реал ва потенциал қобилиятини тушунамиз. Олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини таҳлил қилиш учун унга таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички омилларга бўлиб олиш лозим.

Ташқи факторларга олий таълим муассасаси ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди, лекин уларни ОТМнинг рақобатбардошлигини баҳолашда ва таълим муассасасининг рақобат стратегиясини аниқлашда эътиборга олиш лозим. Ўз навбатида, ички омиллар олий таълим муассасасининг ўз рақобатбардошлигини таъминлашдаги потенциал имкониятлар сифатида гавдаланади. Олий таълим муассасаси раҳбариятининг вазифаси ташқи омиллар (мегамуҳит, макромуҳит, микромуҳит)ни таҳлил қилиш ва ички муҳит омилларини ўзгартириб, уларни хизматлар кўринишидаги рақобат устунлигига айлантиришдир.

Юқорида келтирилган факторлар олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат органлари томонидан таълим тизимининг тартибга солиниши;
- қонунчилик ва таълим хизматларини кўрсатиш жараёнининг тартибга солиниши;
- социал-демографик омиллар ва ҳ.к.

Таълим тизимидаги ички факторларга:

- таълим хизматларининг сифати ва самарадорлиги;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- профессор-ўқитувчиларнинг квалификацияси даражаси ва бошқалар киради.

Олий таълим муассасасининг микромуҳити, ўз навбатида, шу ташкилотнинг ўзига хослиги, унинг тузилиши, ходимларининг умумий мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларининг координацияси билан характерланади. Шу билан бирга, таълим ташкилоти очиқ тизим бўлиб, унда

шундай ўзаро боғлиқ унсурлар мавжудки, улар ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

Ташкилотнинг ички муҳити таҳлили ўқув муассасасининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга қаратилади. Ўз-ўзидан аёнки, тақлиф қилинаётган таълим хизматларининг сифатини таълим беришнинг восита ва методлари белгилайди ва етакчи ролни ўйнайди. Ўз навбатида, молиявий имкониятлар кадр, ишлаб чиқариш ва ахборий потенциалга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. У эса муассасанинг ўз манбалари ва давлатдан олинадиган ресурслар ҳисобига шаклланади.

Олий ўқув юрти рақобатбардошлиги истеъмолчилар талабларига кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифатига ва мос келишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Шундай қилиб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, олий таълим муассасаси фаолиятининг турли босқичларига турли омиллар таъсир этади. Ушбу омилларни ҳисобга олиш талабаларни тайёрлаш сифатини оширишга ва бутун таълим тизими рақобатбардошлиги даражасининг кўтарилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Рақобат – бозор иқтисодиётига ўтишда принципиал масала. // Халқ сўзи, 2020 йил 29 май, №113.
2. Мирзиёев Ш. Бунёдкор халқимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлида илдамлайверади. //Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь, №272
3. Князев Ю. К. Объективные и субъективные факторы в современной экономике // Журнал экономической теории, 2021. – Т. 18. – № 1. – С. 127-140. <https://doi.org/10.31063/2073-6517/2021.18-1.9>

4. Кузнецов Д.Л. Факторы конкурентоспособности вуза. //Инновации и инвестиции, 2021. – №3. – С.117.
5. Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 1993. – 895 с.
6. Сагадеев А. Абу Али ибн Сина (Авиценна). – Москва: “Мысль, 1980. – 73 с.
7. Фатхутдинов Р. Управление конкурентоспособностью вуза // Высшее образование в России, 2006. – № 9